



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
HUZURIDAGI “O‘ZARXIV” AGENTLIGI
AGENCY “UZARCHIVE” UNDER THE MINISTRY OF JUSTICE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100043, Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Chilonzor ko'chasi, 2-uy
tel.: 71 277-24-25, 55 503-01-50, e-mail: uzarchive@archive.uz, www.archive.uz

2023-yil 26-aprel

01-25-06/503-son

O‘zbekiston Respublikasi
Adliya vazirligi

O‘zbekiston Respublikasi
Prezidenti huzuridagi
Strategik islohotlar agentligi

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 28-fevraldagi PF-27-son “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasini “Insonga e’tibor va sifatli ta’lim yili”da amalga oshirishga oid davlat dasturi to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq belgilangan chora-tadbirlarning ijrosi yuzasidan “O‘zarxiv” agentligi tomonidan amalga oshirilgan ishlar to‘g‘risidagi ma’lumotlar ilovaga muvofiq taqdim etilmoqda.

Ilova 5 varaqda.

Direktor



U. Yusupov

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да
амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижроси тўғрисида
ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ

T/p	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари (молиялаштириш манбалари)	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари (кимга, қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
I. ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ							
5-мақсад: Ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини жорий қилиш							
1.	8. Вазирлик ва идораларнинг функция ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш.	<p>1. Вазирлик ва идораларнинг такрорланадиган 168 та вазифа ва 301 та функцияларини мақбуллаштириш нуқтаи назардан кўриб чиқиш.</p> <p>2. Фаолияти самарасиз деб топилган ва давлат-ҳокимият ваколатлари берилган 40 дан ортиқ идоралараро коллегиял органларни мақбуллаштириш, зарурат бўлганда уларнинг вазифаларини тегишли идораларга ўтказиш.</p>	Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил октябрь	-	Адлия вазирлиги А. Ташкулов, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги О. Хасанов, вазирлик ва идоралар	<p>Бажарилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2023 йил 7 февралдаги 27-ум-сон “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш ҳақида”ги буйруғи тасдиқланди.</p> <p>Мазкур буйруққа асосан “Ўзархив” агентлигининг марказий аппарати ва ҳудудий тузилмалари ҳамда штатлар бирликларининг рўйхати тасдиқланди.</p> <p>Ҳозирги кунда “Ўзархив” агентлиги фаолиятига оид норматив-хуқуқий ҳужжатларини хатловдан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, архив соҳасини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш ишлари юритилиб, соҳага оид қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Адлия вазирлигига Агентликнинг 2023 йил 1 мартдаги 01-25-11/264-сон хати асосида таклифлар киритилди.</p>

							<p>Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2023 йил 1 мартдаги “Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Ўзархив” агентлигининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича йўл харита” тасдиқланди ва унга асосан 13 та тадбирлар белгиланиб, мазкур вазифалар юзасидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда.</p> <p>Шу билан бирга, маъмурий ислохотларни амалга ошириш юзасидан Адлия вазирлигида тузилган Ишчи гуруҳи билан ҳамкорликда Агентликнинг функция ва вазифалари қайта кўриб чиқилиб, тегишли таклифлар ишчи тартибда киритиб борилмоқда.</p>
9-мақсад: «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш, электрон давлат хизматларининг улушини 100 фоизга етказиш ҳамда бюрократияни бартараф этиш							
2.	15. Фуқаролар ва давлат идоралари ўртасидаги муносабатларда ортиқча бюрократия ҳолатларига барҳам бериш ишларини давом эттириш.	<p>1. Давлат хизматларини кўшимча тўлов асосида хизмат кўрсатувчи ходимни фуқаронинг яшаш жойига чақириш орқали махсус техник қурилмалар ёрдамида кўрсатиш амалиётини кенгайтириш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил апрель	Ҳисоб-китобларга кўра	Адлия вазирлиги А. Ташқулов, давлат хизматини кўрсатувчи вазирлик ва идоралар	<p><u>Баजारилди.</u></p> <p>Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига тезкор ахборот хизматини кўрсатиш (ортиқча оворагарчиликларни олдини олиш) мақсадида Агентликда идоравий алоқа маркази (ишонч телефони 55-503-01-50) фаолияти ташкил этилган ҳамда телеграм ижтимоий тармоғида @arxivbot ва @antikor_arxivbot ботлари фаолияти йўлга қўйилган, шунингдек, “Ўзархив” агентлиги раҳбариятига беvosита ижтимоий тармоқлар орқали мурожаат йўллаш имконияти яратилган.</p> <p>Бугунги кунда Агентликка келиб тушаётган тезкор савол-жавобларнинг деярли барчасини ижтимоий ҳуқуқий мазмундаги, яъни фуқароларнинг меҳнат стажи ва иш ҳақини тасдиқлаш тўғрисида архив маълумотномасини олиш бўйича саволлар ташкил этмоқда. Мазкур савол-жавоблар асосида энг кўп тушадиган масалалар юзасидан фуқаролар билан учрашув ва мулоқот (сайёр қабул)ларда тегишли тушунтириш ва маълумотлар бериб борилди.</p>
		3. Аҳолига давлат хизматлари кўрсатадиган давлат органлари ва ташкилотларида кўрсатилган хизмат сифати, ходимларнинг	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил апрель	Ҳисоб-китобларга кўра	Давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари	<p><u>Баजारилди.</u></p> <p>“Ўзархив” агентлиги томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган давлат хизматлари тўғрисида маълумот</p>

		муомала маданияти ва бошқа кўрсаткичларни махсус электрон мосламалар орқали баҳолаш тизимини йўлга қўйиш.				ва ташкилотлари, Адлия вазирлиги А. Ташкулов, Рақамли технологиялар вазирлиги Ш. Шерматов	бериш, яъни хизмат сифати, ходимларнинг муомала маданияти ва бошқа кўрсаткичларни баҳолаш тизими Агентликнинг https://archive.uz сайти орқали яратилган (https://archive.uz/ishonch-telefoniga-kelib-tushgan-murojaatlar-soni). Унда келиб тушган қўнғироқлар сони ва ҳолати, иш вақти, масала юзасидан ёндашув ва ҳал этилиши ҳамда ходимларнинг муомаласини доимий баҳолаб бориш каби маълумотлар акс этган.
3.	16. Электрон давлат хизматларининг улушини 55 фоизга етказиш.	1. 2023 йил мобайнида Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жорий этиладиган ва оптимизация қилинадиган 40 та давлат хизматлари ва сервислари рўйхатини тасдиқлаш.	Чора-тадбирлар режаси	2023 йил март	Ҳисоб-китобларга қўра Ижрочилар маблағлари лойиҳа-техник ҳужжатларига мувофиқ	Рақамли технологиялар вазирлиги Ш. Шерматов, Адлия вазирлиги А. Ташкулов, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Бажарилди. “Ўзархив” агентлиги томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларини қайта кўриб чиқиш, шунингдек мавжуд хизматларни бизнес жараёнларини соддалаштириш ва анъанавий кўрсатиладиган хизматларни онлайн кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Архив соҳасида электрон давлат хизматлари салмоғини ошириш ва барча давлат хизматларини тўлиқ электрон шаклда тақдим этиш мақсадида, “Ўзархив” агентлиги томонидан 2 та давлат хизматини: 1) Араб алифбосида яратилган турк, форс ва араб тилидаги ҳужжатлардаги ахборотлар тўғрисида аннотация маълумотларини тайёрлаб бериш; 2) Архив ҳужжатлари, китоблар ва қўлёзмаларни рақамлаштириш бўйича 2023 йил 2-чорагида жорий қилиш режалаштирилди. Шу билан бирга, “Ўзархив” агентлиги томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларини кўрсатиш тартибини бизнес жараёнларини модернизациялаш усулларини (БПР) қўллаш орқали мақбуллаштириш, муддатлари ва талаб этиладиган зарур ҳужжатларини максимал даражада қисқартириш режалаштирилди.
V. МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СОҲАНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ							
77-мақсад: Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва тарғиб қилишни янада ривожлантириш							

4.	239. Жади́дчи́лик ҳаракати даврига оид маълумотлар ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш.	<p>1. Ўзбекистонда жади́дчи́лик ҳаракати даври, жади́дларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид тарихий маълумотларни тўплаш.</p> <p>2. Тўпланган маълумотлар асосида жади́дчи́лик ҳаракатига бағишланган кўп жилдлик китоб нашр этиш ҳамда ҳужжатли фильмлар яратиш.</p>	Вазирлар Маҳкамаси фармойиши лойиҳаси	2023 йил сентябрь	Ҳисоб-китобларга кўра	<p>Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси</p> <p>Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасига бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида</p>	<p>Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси</p> <p>Г. Умерова,</p> <p>Маданият ва туризм вазирлиги</p> <p>О. Назарбеков,</p> <p>«Ўзархив» агентлиги</p> <p>У. Юсупов,</p> <p>Бадий академия</p> <p>А. Нуридинов,</p> <p>Фанлар академияси</p> <p>Б. Юлдашев</p>	<p>Баजारилмоқда.</p> <p>“Ўзархив” агентлиги томонидан Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Маданият ва туризм вазирлиги, Бадий академия, Фанлар академиясига 2023 йил 27 мартдаги 02-08-05/371-сон хати юборилди. Мазкур хат орқали тегишли идоралар билан ҳамкорлик қилиш мақсадида, Ўзбекистонда жади́дчи́лик ҳаракати даври, жади́дларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид тарихий маълумотларни тўплаш бўйича давлат архивларида сақланаётган ҳужжатларни илмий тадқиқотчилар ва ўрганувчиларга белгиланган тартибда тақдим этилиши ҳамда илмий тадқиқотчиларга Ўзбекистон Миллий архивлари ўқув залларидан фойдаланишлари учун зарур шароитлар яратиб берилиши маълум қилинди.</p> <p>Жади́дларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид тарихий маълумотларни илмий ўрганиш ҳамда тадқиқ қилиш юзасидан, “Ўзархив” агентлиги тизимидаги Ўзбекистон Миллий архивининг илмий ходимлари ва ҳамкор муассасалар ҳамда илмий изланувчилардан иборат ишчи гуруҳи ташкил этилди. Ишчи гуруҳи томонидан 5 та мавзу танланиб, унда жади́дчи́лик ҳаракати даври, жади́дларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид тарихий маълумотларни тўплаш бўйича тегишли вазифалар белгиланди. Илмий тадқиқотчиларга амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан, ташриф буюрган фойдаланувчиларга тегишли мавзулар асосида тарихий даврга оид архив ҳужжатлари тақдим этиб борилмоқда.</p>
----	--	---	---------------------------------------	-------------------	-----------------------	--	--	---

VI. МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРГА ЁНДАШИШ

84–мақсад: Коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш

5.	258. Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш	Қуйидагиларни назарда тутувчи Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2027 йилларга мўлжалланган миллий стратегияни ишлаб чиқиш:	Норматив-ҳукукий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил май	-	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги	<p>Баजारилмоқда.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2023 йил 1 мартдаги “Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Ўзархив” агентлигининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича йўл</p>
						А. Бурхонов,	Бош прокуратура

	<p>мақсадида давлатнинг яқин истиқболдаги асосий йўналишини белгилаш.</p>	<p>турли коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқарувчи омилларни таҳлил қилиш; коррупцияга қарши курашиш бўйича амалдаги тизимли чоралар самарадорлигини баҳолаш; Ўзбекистон аъзо бўлган конвенциялар ва бошқа халқаро ҳуқуқий шартномаларда коррупцияни олдини олиш ва у билан курашиш чораларини инобатга олиш; давлат ва жамиятда коррупцияга олиб келувчи асосий сабаб ва шарт-шароитларга барҳам бериш чораларини белгилаш.</p>				<p>Б.Валиев, Адлия вазирлиги А. Ташкулов, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>	<p>харита”сининг 4-бандига мувофиқ, апрель ойида “Ўзархив” агентлиги ва унинг ҳудудий тузилмалари иш фаолиятида коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил қилиш, бунда ушбу тизим самарадорлигини ошириш ҳамда Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг моҳияти бўйича “Ўзархив” агентлиги ходимлари учун семинар-тренинг ўтказиш ҳамда ушбу тизим бўйича тегишли тавсиялар бериш вазифаси белгиланди.</p> <p>Мазкур банд ижросини таъминлаш юзасидан, Адлия вазирлигининг Коррупцияга қарши курашиш бўлими (Ж.Ўзаков) иштирокида “Ўзархив” агентлиги марказий аппарати ва унинг тизимидаги муассасалар ходимлари учун жорий йил 27 апрель кунида семинар-тренинг ўтказилиши режалаштирилди.</p>
		<p>Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастурини ишлаб чиқиш.</p>					